
ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ ҲОКИМИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛАНДИ

Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгашидаги бўш қолган ўрин учун кеча, 14 март куни “7-Нурсух” сайлов округида сайлов ўтказилди. Сайлов натижаларини аниқлаш тўғрисидаги баённомаларга асосан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиядан кўрсатилган номзод Юлдашев Шерзоджон Акрамович маҳаллий кенгаш депутати этиб сайланди.

Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясининг 14 март кунги қарорида таъкидланган.

Маълум қилинишича, 98, 914 ҳамда 100-сайлов участкаларида ташкил этилган сайловда иштирок этган 3 минг 419 нафар сайловчиларнинг 2 минг 442 нафари номзод Ш.Юлдашевни ёқлаб овоз бердилар. Бу сайловчиларнинг 71,4 фоизини ташкил этади.

Туман сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиядан номзод Юлдашев Шерзоджон Акрамович халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгашининг депутати этиб сайланди.

Туман сайлов комиссиясининг бу ҳақдаги қарорининг тўлиқ матни матбуот (“Яйпан овози” газетаси)да ҳам эълон қилинади.

????????? ?????? ?????????? ??????????

2021-03-15 20:48:14